

## ҚИШЛОҚ АХОЛИСИ ОРАСИДА ПАРОДОНТАЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР ВА ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ГИГИЕНСИ ТУШУНЧАСИНИ ЎРГАНИШ

Муқимов О.А., ассистент,  
Муқимов Х.О., ассистент,  
Исанова Д.Р., 4-курс талабаси,

Жаррохлик стоматологияси ва дентал имплантология кафедраси,  
Тошкент давлат стоматология институти, Ўзбекистон Республикаси

Пародонт – генетик ва функционал умумийликка эга тўқималар комплексини бирлаштиради: милк, альвеола суяги, периодонтал боғлам ва цементдан ташкил топган. Ушбу комплекс тўқималарни маълум бир қисми зарарланиши пародонтологик касалликларни келтириб чиқаради. Бугунги кунда пародонтологик касалликлар стоматологик касалликларни ўртача 87%ни ташкил қилади. Хозир барча СНГ давлатларида дунё стоматологлари қўлайдиган пародонт касалликлари таснифига кўп жиҳатдан мос келадиган тасниф XVI бутун иттифоқ стоматологлари пленумида (Ереван шаҳри) 1983 йилда қабул қилинган бўлиб Улар қуйидагилар : I. Гингивит (gingivitis) — маҳаллий ва умумий нохуш таъсиротлар оқибатида келиб чиқадиган ва тиш милк бойлами бутунлиги бузилмасдан кечадиган милк яллиғланиши. II. Пародонтит (parodontitis)— Пародонт тўқимасини ва жағлар альвеола ўсимтаси суяги тузилишини бузиб борадиган (деструкция) пародонт тўқимасининг яллиғланиши. III. Пародонтоз (paradontosis)— пародонтнинг дистрофик зарарланиши. IV. Пародонт тўқимасининг сўрилиши (лизис) билан кечадиган идиопатик касалликлар (пародонтолиз — paradontolysis) — Папийон-Лефевра синдроми, нейтропения, гаммаглобулинемия, компенсацияланмаган қандли диабет ва бошқалар). V. Пародонтома (parodontoma)— ўсмалар ва ўсмасимон касалликлар (эпулис, фиброматоз ва бошқалар).

**Тадқиқот мақсади:** қишлоқ аҳолисини оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини аниқлаш, улардаги пародонтологик касалликлар учраш частотасини аниқлаш, улардаги оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини ўрганиш ва профилактика ишларини олиб боришни режалаштириш.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари:** тадқиқот ўтказиш учун сўровнома рентген текшируви билан биргаликда оғиз бўшлиғининг кўриги ўтказилди. Сўровномада аҳолининг оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳақидаги тушунчаларини ўрганиш учун 15 та савол берилди. Сўровнома 35-45 ёшли инсонлар орасида олиб борилди. Барча текшириш усулларида хулосалар олинди. Натижалар EXCEL дастурида математик – статистик усулда текширилди.

**Тадқиқот натижалари:** респондентлар сони 30 та, шулардан аёллар 65%, эркеклар 35% ташкил этади. Ўртача ёши  $38,7 \pm 2,1$  га тенг. Сўровнома натижаларига кўра барча респондентлардан стоматолог кўригига бир йилда 2 марта 55%, 1 марта 25,5%, кўп мартаба 19,5%. Респондентлардан 45,7% кунига икки марта, 54,3% кунига бир мартаба тишларини ювиши, уларнинг барчаси Colgate тиш пасталаридан ва ўртача қаттиқликдаги тиш чўткасини қўллашади. Тиш тозаловчи қўшимча воситалардан 35% тиш тозалагич ва иплардан, 2,8% сақичлардан фойдаланар экан. Тиш ювиш техникасини 35% билишини, 65% билмаслиги аниқланди. Оғиз бўшлиғида даволанган тишлар сони 3дан кўп 100% ташкил қилди. Респондентларнинг барчаси оғиз гигиенасига риоя қилмаслик кариес келтириб чиқариши ҳақида маълумотга эга, бошқа оғиз бўшлиғи касалликлари ҳақида маълумотга эга емас.

**Хулоса:** 35-45 ёшдаги аҳоли орасида ўтказилган сўровнома натижасига кўра, аҳоли орасида оғиз бўшлиғи гигиенаси қоидалари ҳақида, тиш ювиш қоидалари, тиш тозаловчи асосий ва қўшимча воситалар ҳақида маълумотга эга бўлишлари учун аҳоли орасида врач стоматологлар томонидан тушунтириш ишлари олиб бориш тавсия этилади.

**Фойдаланган адабиётлар**

1. Александров Е.В., Барауля А.А. Состояние и пути совершенствования стоматологической помощи сельскому населению (по материалам медико-социологического исследования) //Проблемы стоматологии.-2005.-№1.-С.49-51.
2. Алимский А.В. Предлагаемая модель организации стоматологической помощи населению Российской Федерации // Экономика и менеджмент в стоматологии.- 2010. -№ 30.-С. 44—50.
3. Алимский, А.В. Организационные аспекты пародонтологической стоматологической помощи населению/ А.В. Алимский //Экономика и менеджмент в стоматологии, 2011. - №3. - С. 20-21
4. Большов И.Н. Организация выездной стоматологической помощи жителям села// Вестник РУДН. Серия: Медицина, 2016, № 3.-С.88-91.
5. Булгакова Д.М. Совершенствование организации и повышение качества стоматологической помощи сельскому населению Республики Дагестан: Автореф. Дис... канд. мед.наук.- М., 2004.-24 с.
6. Буляков, Р.Т. Клинико-организационное и экономическое обоснование совершенствования стоматологической помощи сельскому населению Республики Башкортостан : диссертация ... доктора медицинских наук.- Москва, 2011.- 358 с.: ил.
7. Гаджиев Р.С., Расулов К.М., Булгаков Д.М. Качество стоматологической помощи сельскому населению //Проблемы социальной гигиены, здравоохранения и истории медицины.-2003.-№2.-С.23
8. Диасамидзе Э.Д., Жуков К.В. Лабунец А.З. Реформирование политики кадрового обеспечения и стоматологического направления оказания медицинской помощи населению Украины//Вестник стоматологии.-2014.-№3.-С.112-116.
9. Ермуханова Г.Т., Рысбаева Ж.И., Камиева З.Р. Проблема заболеваний пародонта у детей и подростков в отдельных регионах Казахстана//Вестник КазНМУ.-2018.-№4.-С.63-68
10. Ерошенко Р.Э., Стафеев А.А. Анализ распространенности стоматологических заболеваний, требующих ортопедического лечения, среди сельского населения Омской области//Стоматология.-2018.-№1.-С.8-12